

# ОҒИР ЖУДОЛИК



15:42 / 16.06.2021 1861

«Hilol-nashr» матбаа-нашриёти ҳамда Islom.uz портали ижодий гуруҳи юртимизнинг пешқадам фақиҳ олимларидан бири, Фарғона вилояти Данғара туманидаги «Саид Аҳмадхон» жомеъ масжиди имом ноиби Ёрқинжон қори Фозиловнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг барча оила аъзоларига, сафдошлари ва шогирдларига чуқур қайғу ила таъзия изҳор этади.

Аллоҳ таоло бу олимнинг барча солиҳ амалларини, динимизга қилган хизматларини ҳусни қабул айлаб, Ўз мағфиратига олсин, барча саҳву хатоларини кечирсин, чеккан дардларини каффорат айлаб, раҳматига чулғасин, қабрларини жаннат боғчаларидан қилиб, охиратларини обод айласин!

*«Мусибат етганда «Албатта, биз Аллоҳникимиз ва албатта, биз У Зотга қайтувчимиз», деган сабрлиларга хушхабар беринг».*

**Иннаа лиллааҳи ва иннаа илайҳи рожиъуун**